XIX

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

# Иштоқада

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОЙЛИК НАШРИ

№ 7 1988 ЙИЛ ИЮЛЬ

Идеология ва ҳаёт

## Давр даъвати

Мамлакатимизда ҳукм сураётган кўтаринки руҳ, ошкоралик ва демократия туфайли вужудга келган активлик идеология ходимлари фаолиятини ҳам қайта қуришни тақозо этмоқда. Эндиликда одамларни қуруқ гап, осмоний иборалар, узундан-узоқ зерикарли маърузалар билан алдаб бўлмайди. Меҳнат аҳлидаги вақтни тежашга бўлган интилиш ташвиқот ва тарғибот ишларимизни ихчам ва лўнда ташкил этишни талаб қилмоқда. Негаки, фаррошдан тортиб олимгача бўлган барча табақа вакиллари бир неча ўн йиллар давомидаги мудроқликни тарк этиб, атрофда содир бўлаётган воқеаларга чанқоқ кўз билан қарай бошладилар, фақат ишлаб чиқаришда эмас, кундалик турмушда ҳам ниҳоятда актив вазият вужудга келди.

Шундай бир шароитда идеология ходими меҳнат аҳли ҳузурига эски папка билан боролмаслиги ўз-ўзидан равшан. Айниқса, одамлар дилида қайта қуриш билан боғлиқ жуда кўп, айни пайтда анча мураккаб саволлар тўпланиб қолаётганлигини ҳисобга олсак, бу пропагандистни ўз устида янада жиддийроқ ишлашга мажбур этади.

Бизда давр билан ҳамқадам бўлиб бораётган ажойиб идеологлар оз эмас. Булар 2-трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидан С. Қурбонқулов, алоқа электро-техника институтидан А. Абдунабиев, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан Б. Голендер ва бошқа ўртоқлардир. Ана шу сўз усталарининг кучи билан «Красновосточное» трамвай депоси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узагромежхозпроект» лойиҳалаш институти, трамвай-троллейбус бошқармаси ва бошқа бир қатор корхоналарда КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси материаллари юзасидан қизғин суҳбатлар, мунозара ва баҳслар бўлиб ўтди. Районимиздаги жуда кўп клуб ва чойхоналар ҳозир тарғибот ва ташвиқот ишларининг ҳақиқий марказига айланиб қолди. Аммо баъзи пропагандист ва агитаторларимиз ҳанузгача янги чамадонда эски юкни кўтариб юришибди. Район партия комитети идеология соҳасидаги ўз камчиликларини яхши билади. Райком бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида маданий марказларнинг моддий таъминоти юзасидан райижроком раисининг ўринбосари ўртоқ Л. Саъдуллаевнинг ҳисоботини режалаштирмоқда.

Коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани қарорларида таъкидланганидек, конференция қайта қуришнинг назарий хазинасини кўпайтиришга, идеология ишини яхшилашга, уни қолоқликдан, сафсатабозликдан ва андозачиликдан ҳалос қилишга, унинг мазмуни ва руҳини турмуш реалликларига мувофиқлаштиришга, одамларни қизиқтирадиган ҳамма масалалар юзасидан улар билан сидқидилдан бевосита гаплаша олиш маҳоратига принципиал аҳамият берди. Бу ўта муҳим вазифаларни адо этиш учун ҳар бир массив, кўча, ҳар бир маҳалладаги маданий марказлар ишини жонлантириб юбориш, клуб ва чойхоналарни сиёсий ва иқтисодий мулоқот ўчоғига айлантириш лозим. Айниқса, пропагандистларимиз маҳалла меҳнат аҳлининг ўз кишиси бўлиб қолмоғи зарур. Биз ҳозир бутун идеологик фаолиятимизни ана шу мақсад сари йўналтирганмиз.

**Ҳайдар ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг секретари.**



Тошкент бирлашган авиаотрядининг Ғ. Ғуломов командирлик қилаётган экипажи пассажирларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу бежиз эмас. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати бўлган командир коллективда катта ишларни амалга оширишда алоҳида жонкуярлик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: экипаж аъзолари Т. А. Эшмуҳамедов, Ғ. Ғ. Ғуломов, И. С. Косенко, Я. А. Холматов. Р Шарипов фотоси.

Демократия мактаби

## Энг муносибларни сайлаймиз

Мен авиаторман, бутун умрим парвозда ўтаяпти. Аммо партиямизнинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси қарорларини ўқиб ўзим қанот боғлаб учгим келди. Ахир, мамлакатда шу қадар катта миқёсда туб бурилишлар ясалаяптию, ҳаяжонланмай бўладими!

Салкам қирқ йилдан буён сайловларда қатнашиб келаяпман. Юқоридан биргина номзод кўрсатилардики, ҳаммамиз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам унинг сайланишини билардик.

Энди-чи? Халқ ўз номзодларини очиқчасига бемалол кўрсатаверади, бюллетенга киритилганлардан ким кўп овозга эга бўлса, шу сайланади. Демак, биз энг ишчан, ташкилотчи, ҳар томонлама одил ва билимдон кишини сайлаймиз. Ҳукумат органларида у кўпчиликнинг ҳақиқий вакили бўлади. Конференция қарорида таъкидланганидек, ижроком раҳбарлари ва аъзолари, бўлимлар, бошқармалар бошлиқлари, судьялар, давлат арбитрлари ва прокурорлар Советлар депутатлари составига киролмасликлари улар устидан халқ назоратини кучайтириш имконини берадики, бу социалистик демократиянинг туб моҳиятини белгилайди.

**Акмал ИБРОҲИМОВ,**
**Тошкент граждан авиацияси бирлашмасининг борт механиги.**

СИЁСИЙ ИСЛОҲ — ЖАНГОВАРЛИК МЕЗОНИ

## ЮРАК— ЁНМОҒИ КЕРАК

**Шу заводда узоқ йиллардан буён ишлайман. Цехимизда коммунистлар кўп. Аммо уларнинг доҳий Ленин партиясига мансуб кишилар эканлигини баъзан ёпиқ йиғилишларга таклиф қилишгандагина сезиб қолардик. Ёш бўлганим учун қуйидаги саволлар устида жиддий ўйлашга мажбур эдим: ёнма-ён ишлаймиз, у коммунист, аммо мендан нимаси билан фарқ қилади! У қилган ишни мен ҳам уддалаяпман, хўш, у мендан 2—3 қадам олдинда юрмаса, коммунист бўлиб қаёққа борди! Ҳамма нарсага бепарво, йўли битта: уй—завод, завод — уй. На ғайрат, на ташаббус, на мақсад, на интилиш бор. Коммунист авангардлиги нимада! Мен ҳам партия сафига ўтсам, шу кимсаларга ўхшаб қолмайманми!**

**Конференциядаги жонли мулоқот, қизғин баҳсларни телеэкранда кўриб, анжуман қарорларини қунт билан ўқиб чиққанимдан кейин дилим равшанлашди, ҳаммасига тушундим. Бундоқ ўйлаб қарасам, ишлаб чиқариш саркорларигина эмас, ҳатто партия ташкилотлари ҳам турғунлик даврида бир қолипга тушиб қолишган экан.**

**Мамлакатимизда давом этаётган қайта қуриш жараёнида коммунистнинг алоҳида ўрни бор. У энди лоқайд бўлиб қололмайди. Айниқса, сиёсий ислоҳни амалга оширишдек жаҳоншумул ишда энг актив позицияда турмоғи, бу вазифани тўла-тўкис амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоғи лозим. Бунинг учун эса ёниқ юрак керак.**

**Дилшод САЙФУЛЛАЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводи йиғув цехининг бригада бошлиғи.**

Келинг, ҳотиржам гаплашайлик

## Ошкоралик одоби

Дил ва тил— вужуднинг серғайрат бу икки аъзосини чақмоқу момақалдироққа қиёс қилиш жоиздир. Зеро, ташқи таъсирдан дил чақнаса, тил калимага келиб, қалб мазмунига тилмочлик қилади. Аммо баъзида тилмоч меъёрсиз гумбурлаб, ҳис—ҳаяжонни кўпиртириб юбориши ёки аксинча, тил учидан шакар ўрнига заҳар томиши ҳам мумкин.

Билим юртимизда конференция қарорлари юзасидан ҳар куни баҳс, мунозара. Уни ҳеч ким ташкил этмайди, уч-тўрт ўқитувчи тўпландими, бас, гап ўзўзидан улкан анжуман қарорларига бориб тақалаверади. Илгари бирор ҳужжат муҳокамасига ҳатто коммунистларни ҳам ип боғлаб етаклагандай хонага олиб кирилларди. Энди-чи?

Яқинда ўқитувчилар хонасида яна мунозара бошланиб кетди. Бу ерга педагоглардан М. Алимова, Х. Азимов, А. Нурматов, М. Аннаёров, Н. Гусев, С. Ким, З. Ҳикматуллаева, Т. Кампанецлар тўпланишганди. Кутилмаганда С. Ким:

— Ҳа, ошкоралик яхши, — деб қолди, — энди дардимизни ичга ютиб, дилимиздагини тилга чиқаролмай қийналиб юрмаймиз. Бироқ ошкора гапираман, деб тилга эрк бериш, калималаримиз эгнидан ибо ва ҳаё, андиша ва эҳтиром либосларини сидириб ташлаб, уни яланғочлаб қўйиш ярамайди.

Биз ёзма нутқимизда ҳам ҳар бир гап, ҳар бир ибора ва ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида ишлатилишига эришмоғимиз лозим. Чунки инсон омили биринчи планга кўтарилган, демократия ва ошкоралик туфайли одам қадр-қиммати юксалаётган шу дамларда кишиларнинг иззат-нафсига тегиб кетишдан ҳам азимроқ гуноҳ йўқ. Мен партия конференцияси қароридаги қуйидаги фикрга тўла қўшиламан: «Юксак ғоявийлик ва маънавийлик, билимдонлик, профессионал одобга қатъиян риоя қилиш... бу соҳанинг зарур талаблари бўлиши лозим».

Дарҳақиқат, ошкоралик одоб доирасидан чиқмаслиги керак.

**Башорат ТУРСУНМУРОДОВА,**
**34-ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси.**

Қардошлик—қариндошлик

# Дил тўрида, қалб қўрида

Бу ҳақда ўйлаганимда кўп нарсалар эсимга келади. Ахир ким мактаб партасида рус классик ёзувчилари Пушкин, Лермонтов, Чехов, Достоевский, Толстой асарларини севиб ўқимаган дейсиз!

Ҳа, рус тили — дўст тили. Бу тилда жаҳонда биринчи социалистик мамлакат пойдеворига асос солган улуғ Ленин сўзлаган, ижод қилган. Пролетариатнинг доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельслар ҳам бу тилга бўлган ўзларининг чуқур ҳурматини баён қилишган.

Гоҳо ўрта мактабда ўқиб юрганимда рус тилида тутилмай сўзлашган кишиларга ҳавасим келар, меҳрим товланиб кетарди. Ана шу ҳавас бундан икки йил илгари мени Жиззахдан Тошкентга келтирган ва рус тили ва адабиёти педагогика институтига ҳужжат топширишга ундаган эди.

Баъзан қишлоққа борганимда болалар билан рус тили ҳақида сўзлашаман, катталар билан фикр алмашаман. Шунда улар ўтилаётган дарслар, берилаётган билим, қўлланма ва китоблар талаб даражасида эмаслигидан нолиб гапиришади. Натижада ўрта мактабни битирган болалар ҳатто рус тилидаги оддий савол-жавобда ҳам қийналишади. Грамматикани эса қўяверинг... Тўғриси, мактаб ислоҳоти ҳақида кўп гапирилади-ю, амалда эса ўша-ўша, болалар тил билиш масаласида чаласаводлигича қолмоқда. Худди ана шунинг учун студентликнинг дастлабки йилида ўзимга ҳам осон бўлмади...

Гоҳо интернационализм туйғусига бир томонлама урғу бериш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, сир эмаски, рус ёки бошқа қардош тиллардаги баъзи мактабларда ўзбек тили ҳам ёмон ўқитилади. Бу хусусда дарсликлар масаласи кўнгилдагидек эмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Республикамиздаги рус ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар учун ўзбек алифбеси ва шунга ўхшаш махсус қўлланмалар чиқаришни яхши йўлга қўйиш керак. Шунда миллатлараро муносабатлар янада монолитлашади. Биз етмиш йил давомида қардошлик оиласида тинч-тотув яшаб келяпмиз. Аммо қайта қуришнинг баъзи душманлари демократия ва ошкораликни пеш қилиб, одамларимизнинг миллий сезгисини қитиқлашга интилмоқдалар. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди... Буни XIX партия конференцияси ҳам кескин қоралади... «Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм практикаси заифлаштирилган жойларда, — дейилади қабул қилинган қарорда, — миллий чекланиш ва шовинистик гердайиш кучая бошлашини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Шу ярoқсиз қинғирликларга қарши кураш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш — ҳар бир совет кишисининг граждaнлик бурчидир».

Ҳа, дўстлик — энг муқаддас туйғу. Уни дил тўрида, қалб қўрига ўраб асрамоғимиз лозим. Революция бўронларида тобланган қардошлигимиз аждодлардан авлодларга мерос қилиб қолдирилган энг бебаҳо бойликдир.

**Мавлуда ҚАРАЕВА,**
Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг учинчи курс студенти.



Комсомол аъзолари Зуҳра Парпиева ва Каромат Жабборова икки йиллик «Тошкент» эстрада-цирк санъати студиясини битириб, ўз санъатлари билан ҳамшаҳарларимизни хушнуд этишяпти.
М. Нуриддинов фотоси.

Мушоҳада учун мавзу

# «Алло» деб қолдим балога

Азиз дугонамни туғилган куни билан табриклаш учун трубкани кўтардим, кайфиятим баланд, энг ширин истакларимни унга етказгим келаяпти. Номерни териб, «алло» дейишимни биламан, бир кекса овоз:

— Жон қизим, гапнинг белига тепманг, касалхона билан гаплашаяпман, —деб қолса бўладими!

Дарров трубкани қўйдиму, бироздан кейин яна дискани айлантира бошладим. Иккинчи томондан дугонамнинг овози эшитилиши билан бир чапани эркак ўртага тиқилди:

— Вой-дод, ўзим ўргулай, дўндиқчалар! Мен ҳам табриклайман, айланиб кетай сизлардан!

— Ҳай, ким бу ,— трубкага бақирдим мен. — Қанақа одамсиз!

Хунобим ошиб учинчи бор телефонга ёпишдим, аммо кимдир ҳарбийчасига:

— Лейтенант Асқаров, ҳушёрхона эшитади, — деб жавоб қилди.

Жаҳл устида трубкани итқитиб қўшниникига югурдим.

— Қўйинг шу ордонани, — деди қўшним, — бекорга асабингиз бузилгани қолади.

Хуллас, ўша куни дугонамни табриклай олмадим.

Шаҳарлараро телефонлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Аммо жим туришнинг ҳам иложи йўқ. Мана, Усмон Юсупов кўчасидаги шаҳарлараро сўзлашув пункти. Шалоқ автомат телефон аппаратлари тепасидаги осиғлиқ турган код рўйхатлари ҳам эндиликда қаёққадир ғойиб бўлибди. Бу ҳақда пункт ходимларидан бирига мурожаат қилган эдик, «Штат қисқаргандан кейин рўйхатларни олиб ташладик» деб жавоб берди. Шу ердаги дарчаларга эса яқинлаша кўрманг, саволингизга жавоб ўрнига нордонгина таъна эшитасиз.

Марказий телеграфнинг шундай биқинидаги шаҳарлараро гаплашув пунктидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Жаҳл устида кабина эшигини шарақлатиб ёпиб чиқиб кетаётган ўрта яшар бир кишини тўхтатдик.

— Пскентликман. Бухгалтер Рауф Ғаффоровман. Қаранг, бир соатдан буён диска айлантиравериб қўлларим толиқди. Бу жин ургурлар саккизта 15 тийинимни ямламай ютишдию, тағин миқ этишмайди-я!

**Дилбар УРИНОВА,**
**ТошДУ журналистика факультетининг студенти.**

**РЕДАКЦИЯДАН: Ёш қалам соҳибаси кўтарган ушбу мавзуни мушоҳада қилиб кўриш учун сиз, муҳтарам газетхонлар ҳукмига ҳавола қилаяпмиз. Мақоладаги муаммолар тўғрими? Алоқа хизматида яна қанақа нуқсонлар мавжуд? Камчиликларни бартараф этиш тадбирлари ҳақида сиз қандай фикрдасиз?**

**Хат-хабарларингизни кутамиз, азиз «Мушоҳада» мухлислари!**

Бизнинг рейдимиз

# Ҳайронмиз...

Кейинги пайтларда пойтахтимизда пашша ва чивинларнинг дастидан болалар тугул катталар ҳам озор чекадиган бўлиб қолишди. Хўш, бунга сабаб нима? Унинг боисини аниқлаш мақсадида шаҳар кезишни бошладик. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, сув кўлмак бўлиб қолганлиги туфайли биз кирган хонадонларнинг кўпчилигида чивинларнинг ғужғон ўйнаётганлиги устидан чиқдик. Айниқса, Мирзо Ғолиб кўчаси 12-уйда яшовчи Р. М. Неъматов, Чуқурсой кўчаси 34-уйдаги Б. Бобораҳимова, Сағбон кўчаси 14-проезд, 9-уйдаги А. Ғопиров, Мискин кўчаси 59-уйдаги М. Ғозиев каби 21 та хонадонга пашшалар кўплигидан бош суқиб бўлмайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, олимлар ва шифокорлар истиқомат қилаётган Олимпиа массиви ва Шифокорлар шаҳарчасида ўз-ўзидан пашша қўриқхоналари пайдо бўлиб қолибди.

Ҳаммамиз биламизки, турар жой массивлари, болалар боғчалари, умумий овқатланиш муассасалари касалхоналар биноларида озиқ-овқат қолдиқлари учун контейнерлар мавжуд. Бундан мақсад озиқ-овқат қолдиқлари чўчқачилик комплекси учун ўз вақтида олиб кетилиши керак. Лекин контейнерлар ўз вақтида олиб кетилмаяпти. Жумладан, Марказ—17.18 микрорайонларидаги 4. 28, 29, 32, 34, 106, 78-болалар боғчаларида йиғилган озиқ-овқат қолдиқлари бир неча ҳафта туриб қолиб, пашшаларнинг кўпайишига сабаб бўляпти. Бу хилдаги антиқа кўринишлар «Ташплодоовошч»га қарашли 24, 19, 10, 8 ва 18-магазинлар атрофларида ҳам бор. Бу ерлардан шундоққина ўтиб кетиш қийин. Қолаверса уй ва маҳалла комитетлари, санитария милицияси, дезинфекторлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўзимиз ва болаларимиз соғлиғи билан боғлиқ бўлган бу муҳим масалага нега етарли эътибор беришмаяпти? Ана шунга ҳайронмиз.

**Абдулхай НАБИЕВ,**
санитария врачи.
**Матлуба МИРСОАТОВА,**
педагог.
**Дилмурод АБДУЛЛАЕВ,**
«Мушоҳада» мухбири.



СУРАТДА: Қамарнисо кўчасидаги қаровсиз аҳволда қолган ариқнинг кўриниши.

ТАНБУР ТУҒИЛГАН ДАРГОҲДА

# Бу нола кимга ҳавола

Шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли миллий халқ чолғу асбоблари фабрикасида оммабоп моллар тайёрланади.

Маълумки, асбобсозларда иш сифати уларнинг кайфиятига боғлиқ. Лекин ишчиларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун корхонада энг оддий шароит ҳам яратиб берилмаган. Ошхона йўқ. Ишчилар станоклар ёнида бир амаллаб уйларидан олиб келган (иситишга шароит бўлмагач) совуқ таомларини истеъмол қилишади. Дам олиш, кийим хоналари ва душ эса ҳамманинг орзуси. Биз фабрика ишчилари билан суҳбатлашдик.

А. Хўжамберганов, касаба союз ташкилотининг раиси:

— Мен ишчилар номидан гапираман. Ҳозир корхонада айрим цехларимиз икки сменада ишлаяпти. Ютуқларимиз ҳам бор. Лекин тузукроқ қулайлик яратилмаяпти. Кўпчилик ишчиларимиз эса Октябрь массивидан келишади. Корхонада хизмат автобуси йўқлиги сабабли ишга кеч қолиш ҳоллари ҳам бўлиб турибди.

Доира участкасида меҳнат қилувчи Ш. Розиқова:

— Биз миллий чолғу асбоблари фабрикасида меҳнат қилаётганлигимиздан мамнунмиз. Лекин кўнгил нотинч, чунки фарзандларимиз уйда. Корхонамизга қарашли болалар боғчаси йўқ.

Биз юқорида айтилган эътирозларни изоҳлаб беришни фабрика директори П. Азаматовдан сўрадик.

— Шикоятлар ўринли, — деди у. — Аввало, биз бу бинода иш бошлаганимизга бир йил бўлди. Кўриб турибсизки, корхонамиз майдони кичкина, атиги бир минг 800 квадрат метр. Ҳозирча моддий-маданий шароитларни тубдан яхшилашнинг ҳеч иложи йўқ. Аммо баҳоли қудрат бу нуқсонлар бартараф этилаяпти. Шу мақсадлар учун 235 минг сўм пул ажратилган, шундан 100 минг сўмлик монтаж ишларини «Минспецмонтажстрой»га қарашли «Стальмонтаж» тресги ишчилари бажариши керак.

Режаларимиз яхши, бироқ қурилиш материаллари бўлмаганлиги учун уларни амалга ошириш оғир кўчаяпти. Бу ҳам майли. Ҳатто киши қалбига завқ бағишлайдиган чолғу асбоблари учун келтирилган ёғоч материалларини ҳам жой бўлмагач корхона ҳовлисидан ташқарида сақлашга мажбур бўлаяпмиз...

**Отажон ВОИСОВ,**
санъаткор.

Мушоҳада почтасидан

## УЙИДА БЎЛМАГАН

Менга «Ажрим айбдорлари» мақоласи ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди. Чиндан ҳам қўйди-чиқдиларда фақат эркаклар гуноҳкорми? Бир қўшним бор, эри Акбаржон сарвқомат йигит, Барнохон эса гумбаздай хўппа семиз. Бу оилани кўпдан буён кузатиб юраман. Акбаржон мўмин-қобил, ишчан, эрта туриб ҳовлида ўзига иш топади, ўзи чой қайнатиб, кийимларини ҳам ўзи дазмоллайди. Бир ўзи нонушта қилгач, маъюс ҳолда ишга жўнайди. Барнохон эрининг батамом акси. Баъзан тўшакдан тушга яқин туради. Эрмаги уззу кун ёлғизгина ўғил, уни қарғаш билан кунни кеч қилади. Баъзан кечки овқат ҳам вақтида пишмайди.

Ниҳоят Акбаржоннинг сабркосаси тўлди. Суюкли фарзанди ҳам кўзига кўринмай ажралиш тўғрисида судга ариза берди. Агар Барнохон. эрталаб туриб эрни едириб, кийинтириб жўнатиб, ишдан қайтганида уни илиқ табассум билан кутиб олганда яна бир фарзанд тирик етим қолмаган бўларди.

Зеро, халқимиз «Эркак уйида тополмаган нарсани кўчадан излайди» деб бежиз айтмаган.

**Маҳфират ЙЎЛДОШЕВА,**
пенсионер.



Дўппи кетса кетар...

Ёдгор ОДИЛОВ расми.

Саҳифа меҳмони:

Тошкентдаги 22-болалар уйининг ошпази Саодат НАБИЕВА:

# «СЕН ЕТИМ ЭМАССАН, ЖИГАРИМ»



Аяни телевизор қаршисида йиғлаб ўтирган пайтда учратдик. Экранда ахлатхона. Аллақаердан гўдакнинг «инга»лаган овози эшитилаяпти. «Автодормехбаза»нинг икки ходими қора халатда чиқиндиларни кавлаштириб, болани излашаяпти. Мана, хас-чўплар авайлаб сидириб ташланди, чиркин латта остидаги жажжи инсоннинг балчиқ қуйқумлари ёпишган чеҳрасига қуёш нури тегди. Гўдак кўзларини юмди, овози ҳам тинди, она кўкрагини излаб лаблари тамшана бошлади...

Саодат ая ҳўнграганича ўзини ичкарига отди. Келини Мунаввархон бутун аламини шу қутидан олмоқчи бўлгандай жаҳл билан телевизорни ўчирди. Ҳамма ўз хаёли билан банд. Ҳеч ким чурқ этмайди. Агар ушбу кадрлар бирор бадиий фильмдан парча бўлганида эҳтимол юраклар бу қадар уқубатли зирилламасди. Афсуски, шу даҳшатли ҳодисалар Ўзбекистондай девқомат диёрнинг юраги бўлмиш бизнинг она шаҳримиз Тошкентда рўй бераяпти. Қайси бир бағритош она митти жонни қудуққа ташлаб кетмоқда, иккинчи бирови мурғак муждани чамадонга жойлаб гўё автобус ва электричкаларда «эсидан чиқариб» қолдирмоқда, номуси булғанган айрим студент қизлар ҳали офтоб юзини кўрмаган ўз тўнғичларини юқори қаватлардан пастга итқитишмоқда...

Қизарган юз-кўзларини ювиб-артиб ҳузуримизга чиққан Саодат Оқиловна зўрба-зўр илжайди. Сўнгра ўткир нигоҳини ҳаммамизга бирма-бир қадаб чиқди.

**— Ўксиманг, аяжон, бундай бағритош оналар ҳали ўз жазосини тортади...**

— Қачон? Нега энди ҳаётда озми-кўпми яшаб қурбон бўлганлар учун қотиллар ўлимга ҳукм қилинадию, дунёга эндигина келиб, бирор марта ҳатто она сутига ҳам тўймаган мурғак жонни ўлдирган она деб аталмиш одамсифат бу махлуқларга лоақал танбеҳ ҳам берилмайди? Ҳозиргина ўз қулоғингиз билан эшитдингиз, қотил оналарнинг бу мудҳиш қилмишлари на ўқув даргоҳида, на иш жойида муҳокама ҳам қилинмабди.

Биз ўша пайтларда уруш одамларни бағритош қилиб қўйди, деб ўйлардик. Ўзингизга маълум, шу болалар уйида ишлардим ўшанда ҳам. Очликдан силласи қуригач, фарзандини сақлаб қолиш учун судралиб келиб гўдагини болалар уйи остонасига ташлаб, ўзи 15-20 метр нарида жон берган оналарни жуда кўп марта кўрганман. Йўқ, энди билсам, ҳатто уруш йилларида ҳам одамларда ор-номус кучлироқ бўлган, эл бошига тушган умумий офат ҳаммани бир-бирига ҳамдард қилиб қўйган экан. Бу билан энди орамиздан меҳр-оқибат батамом кўтарилди, демоқчи эмасман. Аксинча, ғамхўрлик кучайиб бораяпти, эллар, элатлар тобора бир-бирига яқинлашаяпти. Лекин тўқликка шўхлик, баъзи ёшларнинг енгилтакликлари ана шундай мудҳиш оқибатларга олиб келаяпти. Оналар фарзандларини боқолмагани учун эмас, маишатига ҳалақит бераётгани ёки эркакдан алдангани учун баъзан қурбон қилиб, баъзан болалар уйлари ёки туғруқхоналарга ташлаб кетишаяпти. Худди ана шунинг учун ҳам даҳшатли уруш йилларидаги етим болалар жами уч юз эллик минг нафар бўлгани ҳолда ҳозир улар салкам саккиз юз минг рақамини ташкил этади.

**—Ё, алҳазар, икки баравардан ҳам кўпроғ-а! Эҳтимол оилани мустаҳкамлаш масаласи эътибордан четда қолаётгандир!**

— Фикрингизга тўла қўшиламан, ўғлим. Аввало, ёшлар яхши танишиб улгурмасдан турмуш қуриб кетаверишади. Болалар кўпайгач, бирдан уларнинг характери бир-бирларига тўғри келмай қолади. Ариза кўтариб судга боришади. Суд эса орқа-ўнгини суриштириб кўрмасдан оилани тўзғитиб қўяқолади. Менимча, бу борадаги қонунларимиз ҳали ҳам бирмунча бўшроққа ўхшайди. Катта жариманинг ўзи камлик қилади. Бу бир. Иккинчидан, ёш ва ёлғиз она ўйин-кулгини, маишатни қўмсаб қолади, болалар унга ортиқча юк бўлиб туюлади ва оқибатда кичкинтойларини болалар уйига топширишга аҳд қилади. Шу йўсинда болалар уйидаги жажжилар сони кўпая боради. Она эса шундан кейин жуда кўп ҳолларда бузуқи йўлга кириб кетади. Бундан ташқари оиланинг бузилиб, болаларнинг тирик етим қолишига гиёҳвандлик ва арақхўрлик ҳам ҳанузгача асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Очиғини айтсам, илгари одамларда ор-номус кучлироқ, эрдан чиқиб эрга тегавериш, хотин олиб, хотин қўяверишни қаттиқ айб саналарди. Энди эса қўйди-чиқдилар ҳаммомга кириб чиқишдай гап бўлиб қолди. Оқибатда болалар азият чекаяпти.

**— Нуқул бировларнинг ташвишини ўйлайсизу, ўзингиз ҳақда гапирмаяпсиз...**

— Э, менинг таржимаи ҳолимнинг қизиқарли жойи йўқ. Абдумутал акангиздан «қора хат» олганимдан кейин уч яшар ўғлим Абдуазим билан қолиб кетдим. Айрилиқ азоби оғир экан. У хонага кираман-йиғлайман, бу хонага кираман — кўз ёш тўкаман. Бир куни дадам «Сени дугонанг сўраяпти» деб қолдилар. У киши 22-болалар уйида қоровул бўлиб ишлар эдилар. Дарров Тонянинг сиймоси кўз олдимдан ўтди. У билан ёшликдан бирга ўсганмиз. Ўзбекчани ҳам сувдай ичади. Бордим. «Саодат, — деди Тоня, — уйингда ўз ёғингга ўзинг қовурилиб ўтирасанми? Ҳозир уруш. Мана, мен ҳам эрим ҳақида совуқ хабар олдим. Ишласанг, юпанасан, кел, болалар уйида ошпазлик қил».

Йўқ деёлмадим. Кейинчалик билсам, Москвадаги ўқишини чала ташлаб қайтган Тоня Хлебушкинани болалар уйига директор қилиб тайинлашган экан.

Биринчи бўлиб болалар уйига ленинградлик етимларни қабул қилдик. Ўша жажжилар ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди: ҳаммаси оч-наҳор, қоқ суяк, кийимлари афтода. Бирини қучоқлайман, иккинчисининг бошини силайман. Озиқ-овқат миқдори белгили, нимжонроқларига бир-икки тишлам нонни ортиқча беришнинг ҳеч иложи йўқ.

Ҳар куни иккита нонни уйдан пинҳона олиб чиқиш учун минг хил ҳийла ишлатаман. Уч-тўрт ой шу зайлда уйдан нон ўғирлаб юрдим. Бўлмади, қўлга тушиб қолдим. «Қизим, — дедилар дадам, — етимларнинг бошини силаган савоб. Бунинг учун укаларингнинг ризқини қийиш яхшимас. Ўзимга айтсанг бўлмасмиди, бир иложини қилардим».

Шу-шу ҳар куни иккита нонни дадам белбоғига тугиб келадиган бўлдилар. Шу йўл билан касалмандларини ҳам оёққа турғазиб олдик. Уруш йилларида биз ота-онасиз бедарак кетган 6 минг болага бошпана бердик. Ҳамма кичкинтойлар мени Соня хола деб аташарди. Болалар ўзбек миллий таомларини жуда хуш кўришарди. Нуқул улар:

—Соня хола чучвара пиширинг.

— Соня хола, ош егим келаяпти!

—Соня хола, мошхўрдани соғиндим!

— Соня хола, хоним пиширмай қўйдингиз!

— Соня хола, картошка манти бўлсаям майли!

— Соня хола, бугун лағмон тайёрлайсизми, — дея жон-ҳолимга қўйишмасди. Кошки буёғда масаллиғи ошиб-тошиб ётган бўлсаю, болажонларимни бир тўйдириб хумордан чиқсам, афсуски, бунинг иложи йўқ эди. Аммо дадамлар иложини топдилар. Бир куни улар «Қизим, сен энди шу ерда қолиб ишлайсан, ўрнимга қоровуллик ҳам қиласан, мен далага чиқиб деҳқончилик қилмасам бўлмайди» дедилар. Бу фикр Тоняга ҳам маъқул тушди. Қирқ тўртинчи йилнинг баҳорида шаҳарга туташ колхоздан ер олиб, буғдой, мош, карам, бодринг, картошка, қовун-тарвуз экдик. Аммо уруғлик топиш ўлимдан баттар бўлди. Шу йили болаларим биринчи марта миллий таомларимиздан тўйиб ейишди. Антонина ойимга:

— Саломат опа, тандирнинг оловини ўчирманг, бизнинг болалар оби нонга ўч, — дея ҳазиллашадиган бўлиб қолди. Касалванд ҳолига дадам экин-тикинларни ўзлари йиғиштириб олар, болалар уйига биркитилган иккита қора отда уни ташиб келтирар, аравада қовун-тарвуз келтирилган кун болалар учун чинакам байрамга айланиб кетарди. Дадам:

— Икки қорабайирим омон бўлса сен дўндиқларимни ҳеч нимага зориқтирмайман, — дердилар ҳамиша кўзларига ёш олиб. Чиндан ҳам болалар уруш охиригача ҳеч нимага зориқишмади.

**— Болаларнинг кейинги тақдири нима бўлди!**

— Мана, кўринг, бир папка хат. Баъзиларини ўқиб берайми? Бўпти, эшитинг. Буниси Димадан: **«Азиз ойижон, берган нон-тузингиз ҳаққи, сизни ҳеч қачон унутмайман. Невараларингиз сизга оташин салом йўллашаяпти.**

**Дмитрий. Ленинград».**

**«Ойижон, ҳамма нарса бисёр бўлса-да, ўша қорабайирларда ташиб келтирилган қовун-тарвузларни тез-тез тушимда кўриб тураман. Бизникига меҳмон бўлиб келинг.**

**Ҳурмат билан: Сергей. Минск».**

**«Соня хола, рафиқамга тандирда нон ёпишни ўргатмоқчиман. Илтимос, рецептурасини юборинг ёки ўзингиз келиб, уйимизда меҳмон бўлинг.**

**Сизнинг Колянгиз. Москва».**

**«Уйингиздан нон олиб келиб боқиб одам қилган ўша ўғлингиз Данилевичман, ойижон. Ватанимизда Сиздай инсонлар бисёр экан, биз ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Ўғлингиз, менинг дўстим Абдуазимни ўпиб қўйинг.**

**Салом билан, Лёва. Волгоград».**

Хуллас, хатлар кўп, мамлакатимизнинг деярли ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан келиб туради. Айниқса, Антонина Павловна жуда кўп мактуб олади. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгандан кейин хатлар оқими янада кучайди.

**— Демак, урушдан кейин болаларнинг ҳаммаси ўз ота-она, қариндош-уруғларини топиб олишибди-да!**

— Ҳа. Фақат Нелля Ивановананинг ҳеч кими чиқмади Уни ўзимга қиз қилиб олдим. Ўз ёлғизимдан ортиқ тарбиялаб тўю-томоша билан 1971 йилда куёвга узатдим. Бироқ қизгинамнинг умри қисқа экан. Шу йил март ойида Неллямни арақхўр безорилар ўлдириб кетишди. Эри ҳам номардлик қилди, фарзандларидан воз кечгач, уларни болалар уйига — яна ўз бағримизга олдик.

**— Аяжон, бир гапим сўрасам, кўнглингизга келмайдими!**

— Марҳамат, сўрайверинг, ўғлим!

**— Икки кам етмишда экансиз. Кексалик гаштини суриб юраверсангиз бўлмайдими!**

— Тушундим. Қариганингизда ишлаб нима қиласиз, демоқчисиз. Хўш, нима қилай? Уч кун кўринмасам, Тонянинг ўзи келади. Ундану ҳар хил баҳоналар билан қутулиб қолишим мумкин. Болажонман. Кичкинтойлар жони-таним. Буни дугонам ҳам, бошқалар ҳам яхши билишади. Иложини топишолмаса уйимга ўша қора-кўзлардан беш-олтовини юборишади. Рўпарангда «Соня хола» деб жавдираб тургандан кейин бу юрак дош беролармиди! Бунинг устига ўзим ҳам бир ҳафта ўша тўполончилар шовқин-суронини эшитмасам тарс ёрилиб кетай, дейман.

**— Болалар уйида тирик етимчалар ҳам кўпдир!**

—Оз, эмас. Ана, пастга— ҳовлига қаранг,атайлаб дам олиш лагеридан қочиб мендан хабар олгани келишибди. Анови истараси иссиқ қиз—Муқаддас, иккита ўғил укаси ҳам бор. Онаси Сурхон гўзалларидан бири, олифта. Эри ташлаб, бошқа аёлга уйлангач, етти болани тақдир қўлига топшириб, ўзи аллақаёқларга гум бўлибди. Бундан хабар топиб ўзимиз гўдакларни болалар уйига олиб келдик. Энг кичигини дадаси маст ҳолда дўппослаб ўлдириб қўйибди. Мана, неча йилдирки, на ота, на она болалар ҳолидан хабар олади. Ўғил-қизлари ҳам улардан аллақачон воз кечишган.

Ҳув анови тўп тепаётган боланинг оти Мухтор. Тўрт яшарлигида ота ўғлини алдаб болалар уйи олдига ташлаб кетибди. Мухторнинг қиз укаси бор экан, уни соғинади, аммо қаерда эканлигини билмайди. Излайвериб бизнинг ҳам тинкамиз қуриди.

Аммо,ҳу ана. Муқаддас билан суҳбатлашиб ўтирган қиз Гулистоннинг тақдири жуда аянчли. Онаси ниҳоятда чиройли бўлган экан. Дада катта камомад қилиб қўйгач, қамалишдан қўрққанидан устига бензин қуйиб, аввал хотини, сўнгра ўзини ёқиб юборган. Бечора қизнинг укалари ҳам бор: икки ўғил, икки қиз, бир-бирларига шундай меҳрибонки...

**— Узр. Болалар уйи директори ҳақида икки оғиз сўз...**

— Тоня Хлебушкина ҳақидами? Ҳаҳ, икки оғиз сўз билан уни таърифлаб бўларканми? Антонина Павловна ҳақида китоб ёзиш керак, китоб! Жуда чиройли эди ёшлигида у. Ёлғиз ўғли Виталийни деб, шу даргоҳдаги жажжиларни деб турмуш қурмай ўтди. Бўлмасам, не-не йигитлар оғиз солмади унга. Қалби дарё, ўзи бир дунё Тонянинг. Қанчадан-қанча ўғил-қизларни болалар уйидан олиб, бағрида тарбиялаб вояга етказди. Мана, охиргиси Юра Даниловни олинг. Ҳозир унинг фамилияси Хлебушкин. Дадаси рашк қилиб Юранинг кўз ўнгида онасини сўйиб ўлдиради. Бу даҳшатдан изтиробга тушган бола карахт бўлиб қолади. Юрани ўзига келтиргунча Тоня икковимиз бир ўлиб бир тирилганмиз. Ҳозир Юра бола-чақалик. Тонянинг ўзи катта тўй қилиб уйлантирди. Тарбиялаган онасини Юра жон-дилидан яхши кўради, бирор хизмати бўлармикин, деб уззу кун унинг атрофида парвона. Ана шунақа ажойиб инсон менинг дугонам!

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Баъзи ота-оналар «Болалар уйи» деганда даҳшатга тушишади. Уларнинг назарида гўё бу ердаги болалар оч-наҳор юришади, тарбиячилар уларни сўкиб силташади. Бу эски сафсатага ишонувчилар шуни билиб қўйишсинки, эркатойларимиз ҳар томонлама ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббат оғушида. Вақтида дам олиб, вақтида овқатланишади, ўқишади, ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлишади, спорт секцияларида иштирок этишади. Лекин аҳён-аҳёнда бола пақирлар ўз ота-оналарини қўмсаб чуқур нафас олиб қўйишади. Ҳа, бизда ҳаммма нарса муҳайё. Фақат ота-она меҳрига зор улар.

Уруш айни авжига чиққан йиллар болалар ҳузурига академик шоир Ғафур Ғулом ташриф буюриб, кечагина ёзган «Сен етим эмассан» шеърини тўлқинланиб ўқиб бергани ҳали-ҳанузгача эсимда турибди. Шоир шеъридаги бир бандни оддий иборалар билан айтмоқчиман: Ватан бор, партия бор, Сизлар асло етим эмассизлар, менинг азиз жигарбандларим. Бунга болалар фондининг тузилиши, партия ва ҳукуматимизнинг болалар уйларига эътиборни янада кучайтириш тўғрисида қабул қилган қарори ёрқин далилдир.

**— Болалари ҳолидан хабар оладиган ота-оналар ҳам бордир!**

— Садқаи ота, садқаи она кетсин ўшалар! Келиб ҳамманинг тинчлигини бузишади.

Тунов куни яна бир кўнгилсиз воқеа рўй берди. Тушликдан кейин болалар эндигина уйқуга кетишувди. Бирдан Гриша орқасидан кучук қувлагандай биз ўтирган хонага югуриб кириб келди. Бола пақир дир-дир титрайди денг. «Нима гап, Григорий?» деб берган саволимизга «О... о..,» дейдию, буёғини айтолмайди. Ниҳоят, «Ўзингни бос, болам» деганда кейин аранг «Ойим», дея олди, холос. Шу пайт ташқарида тўполон кўтарилди. Чиқдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда вино ичавериб юзи шалвираб қолган, патак соч, исқирт кийимдаги бир аёл жавраб турарди. Аранг танидим. Бу Гришанинг онаси эди.

— Ўғлимни бер, — дея дўқ урди у.

Шу қадар жаҳлим чиқдики, «йўқол» деб бақириб юборибман. Арақхўр она чинқириб, ҳаммани оёққа турғазди. Бунақа шаллақи аёлни умримда биринчи кўришим эди, гангиб қолибман. Ялиниб-ёлвориб аранг тинчитдим.

— Бўпти, — деди Гришанинг онаси гўё менга ҳиммат кўрсатаётгандай, — уч сўм бер, майли, ўғлим сизларники бўлақолсин...

Илож қанча, сўраган пулини қўлига тутқазиб, болалар уйидан зўрға чиқариб юбордим. Пул берганим учун Тонядан роса дакки эшитдим. Шаллақи иккинчи марта келганида милиционернинг қўлига топширдик.

**— Ҳа, Сизларга оғир экан... Ниҳоят охирги савол: «Оқшом» ва унинг жажжи «Мушоҳада»сига илтимосу истакларингиз...**

— Илтимосим шуки, оналик ориятини оёқ ости қилаётган беномусларни газеталарингиз саҳифаларида пўстагини қоқиб, шармандаи шармисор қилинглар, токи бошқаларга ибрат бўлсин. Фарзанд уволи урсин уларни! Сизларга эса ижодий камолот тилайман.

**— Қуллуқ, раҳмат, аяжон!..**

**Саҳифа мезбонлари**
**Абдулла НУРИМОВ ва**
**Дилмурод ОБЛАЕВ.**

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сони 30 августда чиқади.

РЕДКОЛЛЕГИЯ

«МУШОҲАДА» («Размышление»)
Ежемесячный выпуск общественной редакции газет «Тошкент оқшоми» и «Вечерний Ташкент».

Ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида сешанба кунлари чиқади.

Справкалар учун телефонлар: 32-54-15, 33-99-42, 32-55-66.

